

**“Dunyo bo‘ylab” telekanali” davlat muassasasi va “O‘zbektelefilm” davlat muassasasi
ўртасида телемахсулотишлаб чиқариш бўйича
ўзаро хизматлар кўрсатиш тўғрисида**

1-сон ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

« 12 » феврал 2022 йил

“Dunyo bo‘ylab” telekanali” davlat muassasasi, Уставга асосан иш олиб борувчи, кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади, муассаса директори Н. Туляганов шахсида, бир томондан ва “O‘zbektelefilm” davlat muassasasi, Уставга асосан иш олиб борувчи, кейинги ўринларда Ижрочи деб аталади, муассасас директори ўринбосари – бош муҳаррир Н. Эшонкулов шахсида, иккинчи томондан, биргаликда Тарафлар, алоҳида эса - Тараф деб юритилувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартномага кўра, Ижрочи Буюртмачининг буюртмасига асосан «Дилозор» номли 100% табиий шароитда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган, 40 дақиқали 30 қисмдан иборат телесериал (кейинги ўринларда телемахсулот деб юритилади) тайёрлаб беришни Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 февралдаги 60-сон, 2020 йил 28 май 128-сон ва 2021 йил 25 февралдаги 60-сон буйруғига биноан хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи эса, Ижрочи томонидан тайёрланган телемахсулотни қабул қилиб олиш ва ҳақини Ижрочига тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 февралдаги 60-сон, 2020 йил 28 май 128-сон ва 2021 йил 25 февралдаги 60-сон буйруғига асосан иш юритилади.

1.4. Тарафлар мазкур шартнома ва телемахсулот сметасида кўрсатилган хизматларнинг аниқ турлари, уларнинг миқдори ва хизмат кўрсатиш муддатлари доирасида ўз мажбуриятларини бажарадилар.

II. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 306 893 768 (уч юз олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг етти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил этади.

Телемахсулотни ишлаб чиқариш бўйича жами харажатлар ҚҚС билан 873 800 526 (саккиз юз етмиш уч миллион саккиз юз минг беш юз йигирма олти) сўни ташкил қилади. Буюртмачи томонидан шу сумманинг ҚҚС билан 566 906 758 (беш юз олтмиш олти миллион тўққиз юз олти минг етти юз эллик саккиз) сўм миқдори 2020 ва 2021 йилда бажарилган ишлар бўйича тўланган. Ҳақиқий харажатлар қолдиқ суммаси ҚҚС билан 306 893 768 (уч юз олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг етти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил этиб, ушбу шартнома билан 2022 йилга ўтди.

Бунда Ижрочи ва Буюртмачи ўртасида ҳақиқатда бажарилган ишларюзасидан тузиладиган телемахсулот калькуляцияси шартнома суммасининг ўзгаришига (кўпайиши ёки камайиши) асос бўлади ва ишлаб чиқариш зарурати билан мазкур сметага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ва мазкур ҳолда тегишли мурожаатга кўра Ўзбекистон МТРК буйруғи чиқарилади (*телемахсулотнинг Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28 майдаги 128-сонли буйруғига асосан тасдиқланган сметаси мазкур шартномага илова қилинади*).

Телемахсулотни ишлаб чиқариш даври кейинги молия йилига ўтадиган ҳолларда, шартноманинг умумий суммаси тугаётган молия йилида ҳақиқатда бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномаларда кўрсатилган суммага камайтирилади.

2.2. Буюртмачи:

- Ҳаракат режасида кўрсатилган телерадиоканалга тааллуқли тегишли телемахсулотни бажариш бўйича Ижрочига буюртма берган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида ажратилган ҳар ойлик молиялаштириш маблағининг 30% миқдорида олдиндан тўловни (тасдиқланган сметагаасосан) амалга оширади;

- телемахсулот учун ажратилган маблағнинг қолган 70% қисмини, Ижрочи томонидан тақдим қилинадиган ҳар ойлик ҳисоб-фактуралари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаси қабул қилинган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк иш куни ичида Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказиб бериш орқали амалга оширади;

- телемахсулотни ишлаб чиқариш давридаги режиссёрлик ва тайёргарлик даври учун ажратилган харажатлар, Буюртмачи томонидан бир йўла тўлаб берилади (ЎзМТРКнинг 25.07.2018 санадаги 288-сон буйруғи);

- телемахсулот учун ажратилган маблағнинг якуний ҳисоб-китоби Компания Ижодий кенгашининг телемахсулотни қабул қилиш тўғрисидаги баёни чиққандан кейин тўлиқ амалга оширилади.

2.3. Тарафлар ўртасида молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланган смета асосида олиб борилади. Телемахсулотни сметаси ва уни ишлаб чиқариш муддатларига ўзгартиришлар Компания томонидан Ижрочи ва Буюртмачининг келишилган таклифларига асосан амалга оширилади.

2.4. Телемахсулотни Буюртмачининг Бадиий кенгашига кўриб чиқиш учун топшириш муддати 2022 йил 30 март ҳисобланади. Бадиий кенгашнинг хулосасига кўра ушбу телемахсулотга тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

2.5. Тайёр бўлган ёки қайта ишланган телемахсулот Буюртмачининг Бадиий кенгаши хулосаси асосида Компаниянинг Ижодий кенгашига топширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1. Ижрочидан мазкур шартнома асосида берадиган буюртмасига мувофиқ келиб чиқадиган хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш.

3.1.2. Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар, сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), эфир талабларига, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни рад этиш.

3.1.3. Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Эфир хусусиятидан келиб чиқиб, махсулотни тайёрлаш учун ижодий гуруҳ ажратиш ва ҳамкорликда иш ташкил этиш.

3.2.2. Махсулотни тайёрлашдан аввал махсулотнинг бадиий савияси, эфир хусусияти, адабий тил нормаларига амал қилиш ва яна бошқа зарур деб ҳисобланган ҳар қандай таклиф, талаб, билдиришларни ёзма равишда Ижрочига етказиш, уларнинг ижроси устидан ишлаб чиқариш жараёнида каналдан ажратилган ижодий гуруҳ орқали қатъий назорат ўрнатиш.

3.2.3. Шартнома асосида берган буюртмасига мувофиқ кўрсатилган хизматлар Бадиий кенгаш кўригидан ўтказилиб, эфирга қўйилишига рухсат берилгач мазкур хизматларни Ижрочидан қабул қилиш.

3.2.4. Кўрсатилган хизматларни ҳақини мазкур шартноманинг II-бўлимида белгиланган муддатларда Ижрочига тўлаб бериш.

3.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

3.3.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачидан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш.

3.3.2. Кўрсатилган хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда Буюртмачидан етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.4.1. Буюртмачининг берган буюртмаси ва мазкур шартнома шартларида белгиланган сифатда ва муддатларда тегишли хизматлар кўрсатиш.

3.4.2. Хизматларни кўрсатиш жараёнида буюртма, шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ўзаро келишилган ҳолда оқилона белгиланган муддатларда бартараф этиш.

IV. Тарафлар жавобгарлиги

4.1. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда (эфирга қўйилган талаб ва Ижодий кенгаш тавсияси бўйича қайта ишланадиган ҳолатлар ўз вақтида топширмаганлик деб ҳисобланмайди) Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда (эфирга қўйилган талаб ва Ижодий кенгаш тавсияси бўйича қайта ишланадиган ҳолатлар кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган деб ҳисобланмайди) Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Эфирга қўйилган талаб ва Ижодий кенгаш тавсияси бўйича қайта ишланадиган ҳолатларларда фақат қайта суратга олиш, монтаж ва овозлаштириш учун керак бўладиган техника харажатлари Буюртмачи ёки Ижрочи маблағлари ҳисобидан қопланади.

Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган Тарафни, шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хизматлар кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги сабабли етказилган зарарларни қопланишидан озод этмайди.

4.3. Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар, сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), эфир талабларига, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачига белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Ижрочи томонидан лозим даражада кўрсатилган хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда, Буюртмачи Ижрочига кўрсатилган хизматларнинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.5. Ижрочи ишни талаб даражасида бажармагани оқибатида тайёрланган телемахсулот эфирга кетмаса шартноманинг 4.3-бандида кўрсатилган жавобгарликдан ташқари Ижрочи Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан ўрнатган тартибда қўшимча жавобгарликка тортилади.

4.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан белгиланади.

V. Форс-мажор

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман

ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади. Форс-мажор ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида” 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарорига биноан белгиланади.

5.2. Буюртмачининг берган буюртмасига биноан Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилаётган вақтда, яъни телемахсулот тайёрлаш жараёнида об-ҳаво шароити, табиий офатлар, давлат аҳамиятига молик тадбирлар, сценарийда келтирилган воқеа - ҳодиса ва фасллар ўзгариши зарурияти туғилганда, тарафларнинг ўзаро келишувига кўра хизмат кўрсатиш муддатлари ва шартноманинг айрим шартларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома шартларини бажариш вақтида юзага келиши мумкин бўлган барча келишмовчилик ва низолар, Тарафларнинг ўзаро келишуви билан келишувга эришилмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

VII. Қўшимча шартлар

7.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва Тарафларнинг жорий йил учун кўзда тутилган ўзаро мажбуриятларининг тўлақонли бажарилишига, яъни 2022 йилнинг 31 мартига қадар амал қилади. Келгуси йилга ўтадиган мажбуриятлар, янги шартнома билан тартибга солинади.

7.2. Шартнома, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, ҳар икки Тарафга сақлаш учун топширилади.

7.3. Шартномага ўзгартириш ёки қўшимча киритиш фақатгина Тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма тартибда амалга оширилади.

VIII. Тарафларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

Ижрочи:

“O‘zbektelefilm” ДМ

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 49-уй. Тел.: +998 71-286-30-88.
Молия Вазирлиги Ғазначилиги
МБ ББ ХККМ Тошкент ш.
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО:00014, ИНН:201122919
х/р: 400 110 860 262 777 084 200 137 003
ИНН:200935531, ОКОНХ: 93180
ОКЭД: 59110



Директор ўринбосари –
бош муҳаррир Н. Эшонкулов

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаълиятининг шартнома ва шартномага асосланган қарорларнинг қўриқилиши тўғрисида” Қонунга мувофиқ мазкур шартномага асосланган қарорларнинг қўриқилиши тўғрисида “Дунё бо‘йлаб” телеканалі ДМ

Имзо юристинг (I. Sh.)
Буюртмачи: Н. Туляганов


“Dunyo bo‘ylab” telekanali” ДМ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй.
Тел.: 71-214-18-50
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкент шаҳар ХККМ
Марказий банк бош бошқармаси
Ғазначилик амалиёт бошқармаси
МФО: 00014 СТИР: 201 122 919
х/р: 400 110 860 262 777 084 200 137 012
СТИР: 207 158 385 ОКЭД: 60200
ОКОНХ: 93180



Директор Н. Туляганов

М.Ў.



" КЕЛИШИЛДИ "
 "Dunyo bo'ylab" телеканиали"
 давлат муассасаасининг директори

Н. Тулаганов

" ТАСДИҚЛАЙМАН "
 "O'zbektelefilm" давлат
 муассасаасининг директор ўринбосари

Н. Эшонкулов

"Dunyo bo'ylab" телеканиали" давлат муассасааси буюртмасига асосан 2022 йил мобайнида тийёрланадиган харажатлар сметаси "Дилозор" телесериалида сарфланадиган харажатлар ҳисоби

№	Бўлимлар номи ва харажат моддалари	Ўлчов бирлиги	Буюртмачи
1	Штатдан ташқари ходимларнинг ойлик маоши	сўм	88 363 938
2	Ягона ижтимоий тўлов 25%	сўм	22 090 985
3	Фотосуратга олиш хизматлари	сўм	1 975 000
4	Жонли мусикаларни ёзиш студиясини ижарага олиш	сўм	1 680 000
5	Суратга олиш жойларини ижарага олиш	сўм	5 358 000
6	Фильмда ижарага олинадиган машина	сўм	192 508
7	Либослар харид қилиш	сўм	2 818 640
8	Фильмда фойдаланиладиган буюмлар(реквизит)ни ижара ва харид қилиш	сўм	5 441 469
9	Хўжалик моллари	сўм	535 270
10	Канцелярия моллари	сўм	1 437 314
11	Оқ қоғоз А 4 форматли (режиссёрлик ва муаллифлик сценарийларни нўсха олиш учун)	сўм	700 000
12	Техник воситаларни харид қилиш	сўм	6 695 652
13	Қайтарилмайдиган реквизит (озик-овқат махсулотлари)	сўм	3 593 180
14	Оператор учун материаллар	сўм	952 400
15	Рассом учун материаллар	сўм	1 557 800
16	Либосчи учун материаллар	сўм	306 459
17	Пардоз анжомлари	сўм	2 027 572
	Жами бўлимлар бўйича:		143 951 926
	Бошқа харажатлар 10%		110 237 389
	Жами:		254 189 315
	КҚС 15 %		40 029 622
	Ҳаммаси:		306 893 768

*Бошқа харажатлар (телемахсулот харажатлар сметасидаги умумий суммасидан 10% миқдорда кўзда тутилади ва буюртмачи маблағлари ҳисобидан қопланади) телемахсулотни ишлаб чиқариш жараёнида кўзда тутилмаган харажатлар, яъни Ижрочининг асосий штатидаги ходимларни моддий рағбатлантириш харажатларини ўз ичига олади. Моддий рағбатлантириш харажатлари Ижрочининг Бадий кенгаши қарори билан тақсимланади ва корхонанинг буйруғи билан расмийлаштирилади. Телемахсулот учун I, II ёки III-гурuhlар бўйича тўловлар "Буюртмачи" ва "Ижрочи" Бадий Кенгашларининг қўшма қарорига асосан белгиланади ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Ижодий Кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг амалга оширилади.

*Белгилаб қўйилсинки, ишлаб чиқариш зарурати билан мазкур сметага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ва мазкур ҳолда тегишли мувожаатга кўра Ўзбекистон МТРК буйруғи чиқарилади.

"O'zbektelefilm" ДМ директор ўринбосари

Н. Эргашев

Бажарувчи : Иногамова.М

ЮРИДИК ХУЛОСА

5/з - сон 12.01.2022 йил

«Dunyo bo‘ylab» telekanali» давлат муассасаси ва «O‘zbektelefilm» давлат муассасаси ўртасида телемахсулот ишлаб чиқариш бўйича ўзаро хизматлар кўрсатиш тўғрисида 2022 йил 12 январдаги 1-сон шартнома бўйича

Бажарувчи: «O‘zbektelefilm» давлат муассасаси.

Буюртмачи: «Dunyo bo‘ylab» telekanali» давлат муассасаси.

Предмети: «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан «Дилозор» номли 100% табиий шароитда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган, 40 дақиқали 30 қисмдан иборат телесериални тайёрлаб беради (2019 йил 12 февралдаги 60-сон, 2020 йил 28 майдаги 128-сон ва 2021 йил 25 февралдаги 60-сон буйруғига).

Шартноманинг умумий суммаси: КҚС билан 306 893 768 (уч юз олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг етти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил этади. Телемахсулотни ишлаб чиқариш бўйича жами харажатлар КҚС билан 873 800 526 (саккиз юз етмиш уч миллион саккиз юз минг беш юз йигирма олти) сўни ташкил қилади. Буюртмачи томонидан шу сумманинг КҚС билан 566 906 758 (беш юз олтмиш олти миллион тўққиз юз олти минг етти юз эллик саккиз) сўм миқдори 2020 ва 2021 йилда бажарилган ишлар бўйича тўланган. Ҳақиқий харажатлар қолдик суммаси КҚС билан 306 893 768 (уч юз олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг етти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил этиб, ушбу шартнома билан 2022 йилга ўтди.

Амал қилиш муддати: шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 мартигача амал қилади.


Ҳисоб-китоб қилиш тартиби: пул ўтказиш йўли билан (II-банд).

Тарафларнинг жавобгарлиги: шартнома бўйича (IV-банд).

Низоларни ҳал этиш тартиби: шартнома бўйича (VI-банд).

Хулоса: 2-сон шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тузилган.

«Dunyo bo‘ylab» telekanali» ДМ
Бош юрисконсульти



С. Ирматова